

Ўртоклари хазиллашиб уни шундай деб аташарди. Дарҳакикат, Бегали Косимов илмий фаолиятининг хаммасини тўлалигича жадидлар мавзуига багишлаган, уларнинг маърифатпарварлик соҳасидаги, миллатни уйготиб хозирги замон цивилизациясига эш килиш йўлидаги харакатларини давом эттирган эди. Деярли ярим аср давом этган бу иш жараёнида Бегалининг ўзи хам жадидларнинг кай бир хислатларини ўзлаштириб олгандек кўринарди. Шунинг учун “Сўнгги жадид” деган лакаб унга жуда мос тушган эди.

Бегали Кашкадарё вилоятининг Касби туманига карашли кичикрок бир кишлокда туғилиб ўсган эди. Унинг болалиги уруш йилларига тўгри келди. У кезлари, айниска, кишлокларда шароит оғир эди. Шунинг учун Бегали хам бошка кишлок болалари каби болаликнинг кўпгина кувончларидан маҳрум бўлиб ўсган. Кишлок ахли чорвачилик билан шугулланарди. Кўй-кўзиларнинг кетидан юриш, уларни парвариш килиш, вакти келганда улоклар билан кувлашмачок ўйнашлар кишлок болаларининг ягона овунчоги эди. Бундан ташкири, она табиат Бегалининг калбida илк марта ватан туйгусини уйготди.

Кашкадарё адирлари, айниска, баҳор кезларида бетакрор бир гўзаллик касб этади. Адирлар ям-яшил либос кияди, ўт-ўланлар, майсалар кишига хуш ёқувчи муаттар хидлар таратиб гуркираб ўсади, теварак-атрофдан узлуксиз эшитилиб турадиган кўй-кўзиларнинг маъраши адирлар багрида ёқимли музика садоларидек туюлади.

Ложувард осмон тип-тиник, кишида аллакандай номаълум хис-туйгуларни уйготади. Бу гўзаллик ичида яшаб, улгайиб уни севиб колмаслик мумкин эмас. Бегали она кишлогини, унинг теварагидаги паст-баланд адирларни жуда яхши кўрарди. У 50 ёшга кирганида бир гурух дўстларини кишлокка таклиф этганди. Кишлок озода, саришта, гоятда файзли эди. Бегали ўзи ўқиган мактабни, болалиги ўтган кишлокдаги кўчалару манзилларни кандайдир ички бир гурур билан бизга кўз-кўз килди. Кейин бизни туман марказидан унча олис бўлмаган кабристонга етаклади. Кабристон кадимий бўлиб, жуда катта эди.

Хар бир макбара таъмирланган, супириб-сирилган. Одамларнинг бу кабристонга ихлоси ва хурмати гоят баландлиги аён кўриниб туради. Бу кабристонда жуда кўп улуг уламоларнинг жасади кўйилган экан. У пайтлари Ўзбекистон мустакил ривожланиш йўлидаги биринчи кадамларини кўймокда эди. Шунинг учун хали шўролар замонидаги баъзи удумлар бекор бўлмаган, ўтмишда яшаган буюк алломалар ва уламоларни, азиз авлиёларни эъзозлаш, хурматини жойига кўйиш кўнгилдагидек эмасди. Лекин Касби якинидаги кабристон бундан мустасно. Мени хайрон колдирган нарса шу бўлдики, Бегали хар бир макбара даги азиз-авлиёнинг кимлиги, кайси даврда яшагани, кандай ишлар билан халқ ўртасида донг чикаргани, улар тўгрисида кандай эски-эски китобларда маълумот берилганини жуда яхши биларди. Бегали бу тўгрида тўлиб-тошиб гапирав экан, биз гўё олис тарихнинг садоларини эшитаётгандек хис килдик ўзимизни. Мен Бегалидан бу гапларни каердан билишини сўрадим.

— Болаликда уйимизда хам, мактабда хам кўп гапиришарди. Неча марта кабристонни зиёрат килиб, бу ерда ётган азиз-авлиёларни тавофф килганман. Колган гапларни хар хил китоблардан ўкиб билиб олганман.

Сухбатдошимга яна бир бор койил колдим — мен унинг билимдонлигини билардим, аммо ўз кишлогини, унинг тарихини, кадриятларини бу кадар эъзозлашини билмасдим. Демак, унинг ёшлик йиллари шунчаки ўйинкароклик билан ўтмаган экан. Бегали болалик кезларидан синчков, хар нарсага кизикадиган, хар нарсанни таг-туги билан чукур билиб

Муаллиф:

26.10.2013 14:39 -

олишга интиладиган одам бўлиб ўсган экан. Хуллас, бу синчковлик, юрт тарихига, маданиятига кизикиш уни хозирги Миллий университет даргохига олиб келди. Бегали ўз гурухидаги талабалар ичида энг жуссаси кичиги эди. Эркин адирлар багрида, ўт-ўланлар салтанатида, бир чўпончалик кўй-кўзилар кетидан югуриб ўсган Бегали нега бунчалик кичкина бўлиб колган, билмадим. Лекин бир-икки йил ўқигандан кейин спорт билан астойдил шугулланиб, бу кусурини анча тўгрилаб олди. У университет командасида 15—20 йил муттасил волейбол ўйнади. Жуда эпчил ва чаккон эди. Жуда кийин тўпларни хам ўйинга кайтара олар, умуман, яхши ўйинчилардан бири хисобланарди. Бегали дурустгина шахмат хам ўйнарди. Кафедрамиз аъзолари ёзги таътил вактларида хар хил сафарлар ва саёхатларга кўп бориб турарди. Бегали бу сафарларнинг доимий иштирокчиси эди. У билан Кашкадарёнинг тоглик худудларига сафар килганмиз. Хисорак шоввасини, Кизил эмчак тогини, Гilon деган афсонавий масканни бирга кезганмиз. Узок Шаркка, Бадахшонга, Арошан бува булогига, Сурхон воҳасига бирга борганмиз. Бегали жуда дилкаш йигит эди. У кўп гапирмас, лекин индамас хам эмасди. У хадеб бўлар-бўлмасга кулавермас, бирок кулса, чин дилдан куларди. Бирон нарсадан ранжиса ёки жахли чикса, даргазаб бўлиб, бакириб-чакирмас, балки бирон оғиз заҳарханда гап айтиб ёки бирон пичинг билан, кошларини чимириб, муносабатини маълум киларди.

Бегали жуда яхши ўкиди. У айникса эски ўзбек тилини, араб ёзувини мукаммал ўрганди, бу унинг мумтоз адабиёт билан шугулланишига имкон берди. У семинарларда, илмий конференцияларда жуда мазмунли маърузалар килар, ўрни келганда, илмий масалаларда мунозара килишдан кочмасди. Унинг хар бир чикишида, албатта, кандайдир янгилик бўларди.

Бегалининг фаоллиги ва гайрати, илмга астойдил берилгани домлаларнинг назаридан четда колмади. Айникса, профессор Гулом Каримов унга алоҳида эътибор билан карай бошлади. Кўп ўтмай улар ўртасидаги муносабат устоз-шогирдлик муносабатига айланди. Кейин Бегали Гулом Каримовнинг аспиранти бўлди. Албатта, унинг номзодлик иши хам жадидчиликка багишлиган эди. Лекин Бегали, эҳтимол, Гулом Каримовнинг маслаҳати билан бўлса керак, жадидчиликнинг умумий муаммолари устида эмас, бу харакатнинг атокли вакили Мирмуҳсин ижоди устида иш бошлади ва “Мирмуҳсин Шермуҳамедов (Фикрий) ва унинг адабий мухити” мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффакият билан якунлади. Натижада унинг номи тикланди, ўзбек адабиёти ўзининг яна бир йирик сиймосини кайтадан багрига кайтарди. Бу Бегали Косимовнинг илмий жасорати эди. Шундан кейин Бегали докторлик диссертацияси устида иш бошлади. Табиийки, бу тадқикот хам жадидизм масаласига багишлиган бўлиб, энди Бегали уни катта кўламда, хамма назарий жихатлари билан бирга ёритишни максад килиб кўйган эди. Бирок бу пайтга келиб, мафкурамизда яна бир эврилиш содир бўлди — энди жадидлар масаласини умуман тилга олиш мушкул бўлиб колди. Махаллий “дохийлар”имиздан аллакайсиси, билса-билмаса, “Жадидлар синфий душманимиздир”, деган хикматни айтипти. Шўролар даврида, айникса, Ўзбекистонда мафкура ана шунака ахволда эди. Нима кilmok керак? Бу мавзудан воз кечиш — ўзбек адабиётининг чорак асрлик тарихидан воз кечиш, демак эди. XX аср биринчи чорагидаги адабиёт тарих сахифаларидан ўчириб ташланса, адабиёт ривожида узилиш рўй берар, унинг тадрижий ривожланиш йўлларини изохлаш мумкин бўлмай коларди. Бунинг устига, материаллар жадидчилик харакатининг халқчил, демократик харакат бўлганидан далолат бериб турган бўлса, ундан кандай воз кечиш мумкин? Хуллас, бу ерда мавзуни

Муаллиф:

26.10.2013 14:39 -

тасдиклатиш учун анчагина мугомбирлик ишлатишга тўгри келди. Бегали ишнинг мавзунини “ХХ аср боши ўзбек поэзияси (Инкилобий шеъриятнинг шаклланиши ва тараккиёт масалалари. (1905—1917)”, деб белгилади. Албатта, биринчи карашда жадид адабиётини “инкилобий” адабиёт деб атash эриш туюлади. Бирок масаланинг моҳиятига назар ташланса, бу ерда хеч кандай муболага ёки сохталик йўқ эди. Негаки, эски тартибларга, феодал муносабатларга, котиб колган расм-руsumларга карши чиккан жадидлар ўзбекларнинг турмуш тарзини замонавийлаштириб, бутунлай янги йўлга солиб юбориш гоясини олга сурган эдилар. Бу эса, шубҳасиз, инкилобий гоя эди. Шундай килиб диссертация темаси тасдикланди ва Бегали гайрат билан ишга киришди. Иш жараёнида Бегалининг олим сифатидаги мухим бир хислати намоён бўлди ва камолга етди. Бу — академизм эди. Шўро замонида илмдаги академизм мактаби у ер-бу ерда сакланиб колган бўлса-да, илмда енгил-елпи йўлларни кидирган ва осонгина фан чўккиларига кўтарилиб, шон-шуҳрат орттиришни истаган одамлар академизмни коралай бошладилар. Улар академизмни услубий жихатдан мураккаб деб эълон килдилар. Бу йўл билан яратилган асарлар кенг халқ оммасига тушунарли эмас деб даъво килдилар. Холбуки, бу академизмдан халос бўлган тадқикотлар адабиётшуносликдаги саёзликни, масаланинг моҳиятига чукур кира билмасликни, фактларни умумлаштириш салоҳиятининг заифлигини овлар эди. Бегали бу йўлдан кочди ва тадқикот услубида, Гулом Каримов каби академизмга содик колди. Бирок бу тадқикот устида бир неча баравар кўпроқ ва каттикроқ меҳнат килишни, ишдаги хар бир факт, тилга олинган хар бир исм, унинг тўгрисидаги маълумотлар аник бўлишини талаб этарди. Бу усулда иш кўрувчи олим баландпарвозликдан, юзакиликдан кочмоги, олдинга сураётган хар бир фикрини, хар кандай гоясини хар томонлама далиллаши керак эди. Абдулла Каххор таъбири билан айтганда, ўз фикрини олга сураётган олим бу фикрни деворга мих коккандек кокиб, бу михнинг калпогини узиб ташламоги лозим эди, шунда бу михни, яъни фикрни хеч ким жойидан сугуриб ололмайди. Бегалининг докторлик диссертациясининг материаллари таржома холда эди. Бу тадқикотчи олдига кўшимча кийинчиликлар кўярди. Жадидлар гарчи ХХ асрда, яъни нисбатан якинда яшаб ўтгани учун, шўро хукуматининг сиёсатида коралангани важидан, асарлари деярли унутилаёзган эди. Бегали бу борада хам чинакам матонат ва гайрат билан иш юритди.

Олим Тошкент ёки Самарканд кутубхоналаридаги материалларни аниклаш ва тўплаш билангина шугуллангани йўқ. У материал тўплаш учун кўшни республикаларга илмий сафарлар килди, айникса, Татаристон ва Бошкирдистон кутубхоналарида кўп ишлади. Айтмок керакки, Уфада ва Козонда ХХ аср бошидаги ўзбек адабиёти намуналари Тошкентдагига караганда кўпроқ сакланиб колган. Масалан, мен хам Чўлпоннинг Ўзбекистондан топилмаган биринчи шеърий тўплами “Булоклар”ни Козон университетининг фундаментал кутубхонасидан топган эдим. Умуман, бу кутубхона каталогидан ўзбек адабиётининг менга маълум бўлмаган 400га якин намуналарининг номини ёзиб олгандим. Хуллас, Бегали материалларни мисколлаб йигди. Нихоят, материал излаш жараёнида у Киримнинг Богчасарой шахарчасига ва унинг якинидаги Гаспирали кишлогига хам борди. Бу кишлокда бутун туркийлар дунёсини уйготган, маърифат гояларини таркатган улуг инсон Исмоилбек Гаспирали туғилиб ўсган ва ижод килган эди. Бегали бу буюк зотнинг уй-жойи, унинг хотираси билан бөглиқ жойлар, шу жумладан, унинг кабри хам каровсиз, хароб бўлиб ётганини кўриб каттик изтиробга тушди ва бу тўгрида маколалар ёзди. Албатта, Бегали йиллар давомида тўплаган материаллар уни бу соханинг зукко билимдонига айлантирди. Бутун

Муаллиф:

26.10.2013 14:39 -

Ўзбекистондаги Миллий Уйгониш даврини, унинг адабиётини ўрганишни истаган ёшлар Бегали атрофига уюша бошлади, бутун бир илмий мактаб шаклланди. Бу эса, кейинчалик Миллий университет таркибида Миллий Уйгониш даври адабиёти кафедрасини ташкил килишга имкон берди. Кафедрага тўпланган илмий жамоа киска муддатда катта ишларни амалга оширди. Жумладан, хозир “Маънавият” нашриёти чоп этаётган “Истиклол фидойилари” туркумида биринчи марта жадид адиблар ва шоирларининг асарлари нисбатан тўла равишда дунё юзини кўрди. Бу китоблар, жадидларга багишлиган монографиялар, рисолалар, маколалар Бегалининг номини факат бизда эмас, чет эл илмий доираларида хам танитди. Америка, Франция, Германия олимлари билан унинг ўртасида ёзишмалар вужудга келди, улар манба сифатида Бегали чоп килган асарларга мурожаат эта бошладилар. Туркиядаги туркшунос олимлар эса, туркий халклар адабиёти бўйича ўнлаб жилдан иборат тадқикотлар матнларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш ишига Бегалини муаллиф ва мухаррир сифатида таклиф килишди. Бегали бир неча марта Туркияга таҳир хайъатининг мажлисларига борди. У ерда нутклар сўзлади. Бегалининг айтишича, бу улкан нашрнинг ўзбек адабиётига багишлиган жиллари лойихасида парокандалик ва юзакилик мавжуд эди. Уни тузганлар ўзбек адабиётини якиндан билмасликларини ошкор этиб кўйганлар. Албатта, катта меҳнат сарфланиб тайёрланган лойиханинг танкид килиниши хеч кимга хам ёкмайди. Унинг устига, адабиётлар бўйича янгидан лойихага яна нималарнидир киритиш хакидаги таклифлар хам жуда катта кийинчилик билан кабул килинади. Чунки хажм чекланган, уни хадеб кенгайтираверишнинг имкони йўқ. Бегали бу масалаларда принципиал позицияда турди, турли мамлакатлардан келган туркшунослардан ташкил топган таҳир хайъатини ўзининг танкидий фикрлари ва таклифларига кўндиришга муваффак бўлди. Натижада лойихадаги ўзбек адабиётига багишлиган жилд анча тўла, илмий жихатдан асосланган холда нашр этилди. Факат афсусланадиган жойи шундаки, бу кимматли китобдан Ўзбекистонга 2-3 донагина етиб келди, холос! Бегали бу жилни менга кўрсатган, хатто бир неча кунга бериб хам турган эди. Мен у билан танишиб чиккач, бу китоб хакида такриз ёзишни буюрдим ва уни “Жаҳон адабиёти” журналида эълон килдик.

Бегали Косимов факат етук истеъодли тадқикотчи олим эмас эди, у айни чогда ўқитувчилик санъатини пухта эгаллаган мохир педагог хам эди. Талабалар уни жуда яхши кўришар ва унинг теварагидан аримасди. Бегали хам талабаларни гоятда хурмат киларди. Бирок бу хурмат хар нарсада уларга ён босища, уларни етаклашда эмас, аксинча, маърузаларнинг сифатида, уларда хар гал кандайдир илмий янгиликларга интилишида, уларнинг адабиёт тарихидан олинган марокли хикояларга бойлигига кўринарди. Бегали талабаларни хар канча хурмат килмасин, уларга нисбатан талабчанликни асло бўшаштирмас эди. Унинг фанидан имтихон топшириш гоятда кийин эди, бирок бу кийинчилик домланинг ўринсиз инжиклигидан тугиладиган сунъий кийинчилик эмасди. Талаба материални Бегалининг кўнглидагидек тўла ўзлаштирмаса, буюрилган бадиий адабиётларни ўкиб чиккан бўлмаса, Бегали унга ижобий баҳо кўймас эди. Албатта, кўпгина нўнок талабаларнинг кетидан юрадиган “илтимосчи” одамлар кўп бўларди. Улар кўрка-писа Бегалидан хам илтимос килишарди. Бирок Бегали уларнинг кўпчилигига рад жавобини берарди. У хатто менга хам шунака мумомала килган. Мен ким тўгрисидадир илтимос килган эдим. Бегалининг энсаси котди, кошларини чимириб, истехзо билан:

— Ўкиб келсин, майли, кўйиб берарман, — деди.

Муаллиф:

26.10.2013 14:39 -

Бегали талабчан бўлса-да, адолат билан иш тутар, имтихонни талабадан ўч олиш куролига айлантирмас эди. Эҳтимол, университетда бунака талабчан домла жуда кам бўлгандир, хар холда, талабаларнинг Бегалидан ўқиган фанидан билимлари пишик-пухта бўларди. Бегалининг талабчанлиги ўз фанини жуда яхши кўрганидан, унга садокатидан туғилган эди. Кани энди хамма домлалар шундай бўлса, менингча, таълим савиясини ошириш, биринчи навбатда, ўқитувчининг талабчанлигига боғлик.

Сўнгги марта биз Бегали билан 2004 йилнинг июл ойида кўришдик. Яхши мутахассис ва ажойиб инсон Омонилла Мадаев ўқитувчиларнинг таътилга чикиши олдидан якин дўстларига махалла чойхонасида ош килиб берадиган одат чикарган. Бегали хам шу йигинларга келарди, лекин хар доимгидек бардам ва харакатчан эмас эди. Ранги хам сўлгин, кайфияти паст. Хеч нарса емайди хисоб. Факат домлалар билан гаплашиб, нима гаплигини сўрасак, ошкозони безовта килаётганини айтди. Кейин орадан бир ой хам ўтмасдан Бегалининг касали жиддий эмиш, операция килмаса бўлмас эмиш деган гап таркалди. Лекин маълум бўлишича, операция учун 250 минг сўм тўлаш керак экан. Шунда университетнинг аввалги ректори, академик Тўрабек Долимов валломатлик килди. У университет хисобидан керакли пулни ўтказиб берди.

Мен операциядан кейин 5-6 кун ўтгач, уни кўргани бордим. Бегали мени кўриши билан ётган жойидан турмокчи бўлди. Мен, албатта, “Кимиrlаманг, ётаверинг”, деб уни тинчтдим ва бунака пайтларда bemорга айтиладиган тасалли сўзларини айтдим. Унинг кайфияти яхши эди — унга хам, менга хам операция муваффакиятли ўтди, ха демай тузалиб кетади дейишди. Биз Бегали билан келажакдаги илмий режаларимиз тўғрисида гаплашдик. Бегали Уйгониш даври адабиёти деган илмий дарсликни нашриётга топширганини айтди. Кўп ўтириш мумкин эмас эди. Бирор ўн дакикадан сўнг кўзгалдим. Сўнг менинг ўзим хам шифохонага тушиб колдим.

Кейин Бегалини уйига жавоб беришганини, анча мазаси кочганини айтишди. Юрагим “шув” этди. Уни операция килган доктор Бегалининг рак эканини айтди. Каттиқ кайгурдим, лекин бандасининг кўлидан нима хам келарди. Мен телефонда видолашдим. Йиги босиб гапларимни айта олмадим. Бегали хам жуда хаяжонланиб кетди, икки марта “Рахмат, Озод ака!”, “Рахмат, Озод ака!”, деди. Бу унинг менга айтган сўнгги сўзлари бўлди.

Профессор Бегали Косимов шу тарзда хаётдан кўз юмди. Шубха йўкки, бу ажойиб инсоннинг номи тарихдан муносиб ўрин эгаллади.

Озод Шарафиддинов